



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "O'ZARXIV" AGENTLIGI AGENCY "UZARCHIVE" OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100043, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Chilonzor ko'chasi, 2-uy.  
Tel.: (71) 277-24-25, (71) 277-13-35, el. pochta: uzarchive@archive.uz, archive@exat.uz, www.archive.uz

2022-yil 24-iyun

№ 01-26-06/786

### O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi

O'zbekiston Respublikasi "O'zarxiv" agentligi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq, "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili"da amalga oshirishga oid Taraqqiyot strategiyasi va Davlat dasturida belgilangan chora-tadbirlarning 2022-yil I yarim yillik ijrosi yuzasidan ma'lumotlar ilovaga muvofiq taqdim etilmoqda.

Ilova 5 varaqda.

Direktor



U. Yusupov

“O‘zarxiv” agentligining 2022-yil 24-iyundagi  
01-26-06/786-son xatiga ilova

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида**  
**ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизmlари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул изрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган хужжат лойихалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат раками ва санаси)
<b>I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ</b> <i>(Масъуллар — Т. Нарбаева ва Н. Исмоилов)</i>							
<b>5-мақсад. Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат киладиган давлат бошқаруви тизимини жорий килиш</b>							
1.	18. Вазирлик ва идораларда иш юритиш ва маъмурий бошқарув жарайёлари сифатини такомиллаштириш.	Вазирлик ва идоралар фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO: 9001) жорий килиш. Бунда, ушбу тизимни 2022 йилнинг якунига қадар вазирлик ва идораларнинг <b>30</b> фоизида жорий килиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил якунига қадар	-	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибига солиши агентлиги <b>Д. Сатторов,</b> вазирлик ва идоралар	<b>Бажарилди.</b> 1. “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати (бошқарув) фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO:9001) жорий килиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Агентликнинг 2022 йил 28 февралдаги 01-26-06/284-сон хати асосида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибига солиши агентлиги билан (2022 йил 7 марта) келишилди. Шунингдек, “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 10 марта даги 50-сон буйруғига асосан мазкур режа хамда ишчи гурухи таркиби тасдиқланди. 2. Давлат Дастирининг 18-банди ижроси юзасидан “Вазирлик ва идоралар фаолиятига ISO 9001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимининг жорий этиши” мавзусида жорий йил 31 март хамда 4 апрель кунлари Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибига солиши агентлиги томонидан ташкил этилган видеоконференцсалоқа орқали ўтказилган семинарда Агентлик (марказий аппарати мутахассис ва ходимлари) томонидан иштирок этилди. 3. Давлат харидлари портали ( <a href="https://xarid.uzex.uz">https://xarid.uzex.uz</a> ) орқали шартнома тузиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилиб, Давлат харидларини амалга ошириш мақсадида 5 кишидан иборат Харид комиссияси тузилиб, <a href="https://xarid.uzex.uz">xarid.uzex.uz</a>

								порталига кириллди. <a href="https://etender.uzex.uz/customer/edit-trade/draft/64790">(https://etender.uzex.uz/customer/edit-trade/draft/64790)</a>
								Шунингдек, Агентлик фаолиятига ISO 9001 ва ISO 37001 халқаро стандартларни жорий қилиш мақсадида “Давлат харидлари” электрон порталида энг яхши таклифларни аниқлаш учун конкурс (лот 22110012107929) шартлари жойлаштирилди.

#### **Бажарилмоқда.**

“Ўзархив” агентлиги (бошқарув) фаолиятига ISO 9001 халқаро сифат менежменти стандартини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Агентлиқда халқаро стандартни жорий этиш (баҳолаш аудитини ўтказиш, ходимларни малакасини ошириш) мақсадида Агентлик томонидан техник шартлар лойиҳаси ишлаб чиқилди, шунингдек, аккредитациядан ўтган ва миллӣ сертификатлаштириш тизимида тан олинган компаниянинг профессионал консультатив хизматидан фойдаланиш учун билдирилган таклифлар асосида мазкур компанияларнинг фаолияти даврийлиги, кўрсатилган хизматлар сифатини ўрганиш ишлари ҳамда Давлат харидлари портали (<https://xarid.uzex.uz>) орқали шартнома тузиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

#### **V. МАЃНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ**

(Масъуллар – X.Султонов ва А.Абдухакимов)

#### **75-мақсад: Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, ахолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш**

2.	274. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш.	1. Куйидаги атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг таваллудларини муносиб нишонлаш: Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги; Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги; 2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари яшаб ва ижод қилган уйларига ёдгорлик лавхаларини ўрнатиш.	Вазирлар Маъқамаси мажлиси баёнлари	Давлат бюджети маблағлари	Бадиий академия <i>A.Нуридинов,</i> тегишли вазирлик ва идоралар	<b>Бажарилди.</b> 2022 йил 20 апрель куни Ўзбекистон давлат санъат музеида “Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги”га бағишиланган ижодий кўргазма ўтказилди. Мазкур кўргазма материаллари (пресс-релиз) ҳамда фотокўргазма жараёндан видеотасвир ва фотосуратлар Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллӣ архиви саклови учун олинди.	<b>Бажарилмоқда.</b> Ўзбекистон халқ рассомлари (Ч.Ахмаров, З.Ковалеская)нинг	

		<p>3. Ўзбекистон халк рассоми Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ҳайкал ўрнатиш.</p> <p>4. Ижодий кўргазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш.</p>					таваллудларини муносиб нишонлаш тадбирларида “Ўзархив” агентлиги тизимидағи Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллый архивини иштирок этиши юзасидан Агентликнинг 2022 йил 28 февралдаги 01-26-06/275-сон таклиф хати Бадий академияга юборилган.
3.	275. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш.	<p>1. Куйидаги халқаро санъат тадбирларини ташкил этиш:</p> <p>Замонавий санъат биенналеси;</p> <p>“Тошкент кувончлари” халқаро болалар расмлари биенналеси;</p> <p>“Тасвирий ва амалий санъат” фестивали.</p> <p>2. Ушбу халқаро санъат тадбирларининг ҳар бирига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p>	Вазирлар Маъкамаси мажлиси баёнлари	2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Бадий академия <b>A.Нуридинов,</b>  тегишли вазирлик ва идоралар	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>2022 йил 30 май куни Ёшлар ижоди марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Милллатлараро дўстлик маркази ташабbusи билан ўтказилган “Заминда тинчлик бизнинг кўлимизда” халқаро болалар расмлари кўргазмасида иштирок этилди.</p> <p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Халқаро санъат тадбирларини ташкил этишда “Ўзархив” агентлиги тизимидағи Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллый архивини иштирок этиши юзасидан Агентликнинг 2022 йил 28 февралдаги 01-26-06/275-сон таклиф хати Бадий академияга юборилган.</p>

**VII. МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ**  
*(Масъуллар – В.Махмудов, А.Азизов, С.Сафоев)*

**94-мақсад. Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиши**

4.	356. Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш.	Икки ва кўп томонлама лойихаларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил ноябрь	Лойихалар ҳажмига мувофиқ	Маданий мерос агентлиги <b>Ш.Нуруллаев,</b>  Маданият вазирлиги <b>О.Назарбеков,</b>  “Ўзархив” агентлиги <b>У.Юсупов,</b>  Ташқи ишлар вазирлиги <b>А.Камилов</b>	<p><b>Бажарилди.</b></p> <p>1. Давлат дастурининг “Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш” банди ижроси юзасидан Маданий мерос агентлиги, Маданият вазирлиги ҳамда нусхаси Ташқи ишлар вазирлигига “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 25 февралдаги 01-26-08/263-сон таклиф хати юборилди.</p> <p>2. Тоҷикистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига режалаштирилаётган ташрифи юзасидан Тоҷикистон Республикаси билан архив иши ва иш юритиш соҳасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бўйича тегишли</p>
----	--	---	--------------------------	--------------------	---------------------------------	--	--

таклифлар Ташки ишлар вазирлигига 2022 йил 31 марта 01-21-08/434-сон ва 11 апрелдаги 01-21-08/474-сон хатлар билан тақдим этилди. Шунингдек, мазкур жамланган маълумот Марказий Осиё халқаро институтига 2022 йил 12, 14 майдаги 01-26-08/601-сон (ХДФУ) хат билан ҳамда Ташки ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигига 2022 йил 12 майда 01-21-08/600-сон (ХДФУ) хат билан тақдим этилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг 2022 йил 25 майдаги 16/18031-сон хатига мувофиқ, Туркманистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига режалаштирилаётган ташрифи доирасида Туркманистон Республикаси билан архив иши ва иш юритиш соҳасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича асослантирилган таклифлар Агентлик томонидан жорий йил 31 майда 01-21-08/678-сон хат билан Ташки ишлар вазирлигига тақдим этилди.

Шунингдек, Марказий Осиё халқаро институтининг 2022 йил 9 июндаги 01/05-2-82-сон (ХДФУ) хатига мувофиқ, Туркманистон Республикаси билан архив иши ва иш юритиш соҳасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилиши бўйича ҳозирги кундаги ҳолат бўйича маълумот ва ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида таклифлар Агентлик томонидан жорий йил 9 июнда 03-03-08/714-сон (ХДФУ) хат билан МОҲИга ўрнатилган тартибда тақдим этилди.

#### **Бажарилмокда.**

1. “Ўзархив” агентлиги ташаббусига кўра “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва Тоҷикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Архив бош бошқармаси ўртасида архив иши ва иш юритиш соҳасида Англашув меморандуми” лойиҳаси ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисидаги Қонун

талабларига мувофиқ, “Ўзархив” агентлиги томонидан мазкур хужжат лойиҳаси ўзбек ва рус тилида тайёрланиб, тушунтириш хати билан биргаликда кўриб чиқиш ва келишиш учун Адлия вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматига 2022 йил 19 апрелдаги 01-26-08/508-сон хат билан киритилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилиб, мазкур хужжат лойиҳаси Агентликнинг 2022 йил 17 майдаги 01-25-08/619-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборилди. Мазкур хат Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, унда 2022 йил 20 майдаги 08/1-180-сон топширик хатига асосан, Ташки ишлар вазирлиги томонидан хориж томонга ишлаш учун юборилиши сўралган. Ҳозирги вақтда хужжат лойиҳаси хориж томонидан кўриб чиқиш жараёнида.

2. Ташки ишлар вазирлигининг 2022 йил 17 майдаги 07/16862-сон хатига жавобан “Ўзархив” агентликнинг 2022 йил 18 майдаги 01-21-08/628-сон хати билан “Қирғиз Республикаси Рақамли ривожланиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум”нинг якуний лойиҳа матни кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Ҳозирги вақтда хужжат лойиҳаси хориж томонидан кўриб чиқиш ва келишиш жараёнида.

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг 2022 йил 23 июндаги 07/22432-сон хати ва унга жавобан Агентликнинг 24 июндаги 01-21-08/780-сон хатига мувофиқ, Қирғиз томонининг тақлифига кўра “Қирғиз Республикаси Рақамли ривожланиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум” лойиҳаси юзасидан жорий йил 24 июнь соат 15:00 да видеоконференц-алоқа (ВКА) шаклида икки томонлама учрашув ўтказилди.

